



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI

ЎТМОЙ-ЎТISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 56 (609)
2022 йил 5 август,
жума

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
хафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.

ЯНГИ ЎЗБЕКISTONДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

ИХЧАМ ВА САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 август куни давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Аслида, бу сўнги йилларда амалга оширилган маъмурий ислохотларнинг мантӣқий давомидир. Президентимизнинг халқчил сиёсати тўғрисида давлат хизматчилари аҳолига анча яқинлашди. Халқни эшитиш, маблагларни одамлар талабига қараб йўналтириш, "маҳаллабай" ишлаш тизимлари йўлга қўйилди. Ходимларга самарали фаолияти учун муносиб шароитлар яратилди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нутқида "набатдаги муҳим вазифа – марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқароларга хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратиш" эканини таъкидлаган эди.

Хозирги кунда бу соҳада 118 миң киши меҳнат қилаётти. Лекин, натижадорлик бўйича айтганда, ҳали давлат хизмати халқни рози қиладиган тизимга айланган йўқ.

Мисол учун, ўтган йили Халқ қабулхоналарига вазирилик ва ҳокимликлар ходимларининг билимсизлиги ва масъулиятсизлиги ҳақида 25 миңга, уларнинг мулоқот маданияти етишмаслиги билан боғлиқ 7 миңга шикоят келиб тушган.

Қобилиятни аниқлаш, ўқитиш, ишни яхшилашга ўргатадиган яхлит тизим бўлмагани учун айрим мутасаддилар вазифаларини эғлай олмаётти. Умуман, раҳбарларни танлаш, тайёрлаш ва мотивация бериш йўлга қўйилмагани ижродаги оқсоқликларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шу боис маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилиб, икки йил давомида, чуқур муҳокамадор асосида "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида" ги қонун тайёрланди.

Йиғилишда ушбу қонунда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, давлат идоралари олдида турган устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Аввало, давлат идораларига ишга қабул қилишнинг очик-ошкоро тизими жорий этилиши таъкидланди. Шу мақсадда йил якунигача барча вакант лавозимлар очик ягона электрон платформага жойлаштирилди. Бўш лавозимга танловда иштирок этиш учун хозирги кунда талаб этилаётган 16 та ҳужжат сўралмайди, барча жараёнлар электрон шаклга ўтказилди. Номзоднинг билими, тажрибаси ва салоҳияти очик танлов орқали аниқланади.

Бу тизим тажриба тариқасида, Самарқанд вилояти ва Давлат солиқ кўмитасида синовдан ўтказилган. Йиғилишда мазкур вилоят ва кўмита мутасаддилари унинг натижалари ҳақида айтиб берди. Ҳар бир вазирилик ва ҳокимлик кадрлар танлашни олий ўқув юрларидан бошлаши кераклиги қайд этилди.

Бу тажрибани тизимли йўлга қўйиш учун Ёш мутахассисларни танлаш дастури эълон қилинадиган бўлди. Дастур доирасида битирувчи курсларда ўқётган қобилиятли талабалар сараланиб, вазирилик ва ҳокимлик тизимида стажировка ўтайди ва ўқишни тамомлагач, ишга қабул қилинади. Бунга хорижда ўқийётган ёшлар ҳам қамраб олинади.

Тахлилларга кўра, вазириликлар марказий аппаратдаги раҳбарларнинг 40 фоизи туман погонасини кўрмаган, туман миқёсидаги раҳбарларнинг 60 фоизи эса вилоят ёки республика идораларида ишламаган.

Шу боис Президент давлат идораларида "маҳалладан – республикагача" тамойили асосида кадрларни ўстиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Бунинг учун 1 ноябрдан бошлаб, эски намунадаги маълумотномадан воз кечилиб, ходимнинг малакаси ва эришган натижаларини илгор технологиялар асосида баҳолайдиган тизимга ўтилади. Оддий қилиб айтганда, раҳбарликка тасодифан келиб қолишининг олди олинади.

Шунингдек, туман ва шаҳар даражасидаги раҳбарлик учун Салоҳиятли кадрлар резерви тузилади, унга номзодлар фақат маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари орасидан

танлаб олинади. Компетенциясига қараб, улар учун мақсадли малака ошириш курслари ташкил этилади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Ёшлар ишлари агентлигига "Ватандошлар" жамғармаси билан бирга "100 та илгор етакчи" дастурини амалга ошириш вазифаси қўйилди. Бу дастур доирасида давлат хизматчилари, фаол тадбиркорлар, хориждаги ватандошлар орасидан салоҳиятли ёш кадрлар танлаб олинади.

Маълумки, мамлакатимизда "инсон – жамият – давлат" деган тамойил устувор этиб белгиланган. Барча соҳаларда одамларга қўлайлик яратиш чоралари кўриломоқда. Хусусан, лицензия олиш, хизматларга бюртма бериш, турли идораларга ҳужжат топшириш, тўлов тизимлари анча қўлайлашди.

Лекин, ҳали ҳам кўп соҳаларда қозғоқозлик бор. Масалан, субсидиялар учун ўртача 10 та вазирилик ва идорадан хулоса олиш керак. Электр тармоқларига улашишда ҳам ортиқча харажат ва бюрократия кўп. Тиббиётда қайси хизмат бепул ёки пулли бўлиши, давлатдан бериладиган дориларнинг ҳисоб-китоби ва эгасига етиб бориши анқ бир тизимли эмас. Қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, стандарт, карантин идораларида ҳам аҳоли ва тадбиркорларнинг иши битиши қийин бўлган жараёнлар жуда кўп.

Шу боис Бош вазирга ҳар бир вазирилик ва ҳокимликда хизмат кўрсатиш жараёнларини тушунарли ва қўлай шаклга келтириш, ортиқча харажатлар ва ҳужжатларни қисқартириш бўйича кўрсатма берилди.

– Бунда бирдан бир мезон – одамлар розилигини олиш, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бугун халқимиз элу юрт ривожига бефарқ эмас, маҳалла ишларида фаол қатнашмоқда. Масалан, "Очиқ бюджет" портали орқали аҳоли ташаббуслари ҳаётга кўчмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 2 миңдан зиёд ана шундай лойиҳалар бошланди. Энг муҳими, одамлар уларга ўзларини дахлдор билиб, қурилган инфратузилмадан асраб-авайлаб фойдаланаяпти.

Кейинги олти ойда бундай лойиҳалар учун яна 1 триллион сўм ажратилиши мўлжалланган. Шу боис мутасаддиларга аҳоли фикри асосида қилинадиган лойиҳалар кўламини кенгайтириш бўйича топшириқ берилди.

Иқтисодиётда хусусий сектор ўсиб бораётгани сари малакали кадрларга талаб ошиб бормоқда. Бу рақобатли бозорда давлат хизмати ҳам жозибадор бўлиши керак.

Шу боис Президентимиз давлат хизматчилари фаолиятининг кафолатлари ҳам кучайтирилишини таъкидлади.

Хусусан, келгуси йилдан ходимнинг тажрибаси, малакаси ва эришган натижасига қараб, рағбатлантириш тизими жорий қилинади. Уларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳисобидан сугурта қилинади. Ўз вазифаларини ҳалол ва пок бажараётган давлат хизматчилари учун кексаликни муносиб ўтказиш кафолатлари яратилади.

Давлат хизматчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Шу пайтгача давлат хизматчиларининг атиги 20 фоизи малака оширган. Ўқитиш сифати ҳам замон талаби даражасида эмас.

Шунинг учун хорижий ўқув марказлари билан бирга кўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди. Вазириликлар тизимидаги 110 та малака ошириш маркази фаолиятини қайта қўриб чиқиб, ўқитиш дастурлари ва методикаларини янгиллаш, уларга малакали мутахассисларни жалб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари, хорижий ҳамкорларнинг фикрлари эшитилди.



ЮКСАЛАЁТГАН АНДИЖОН: ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Андижон вилоятида бўлаётган ўзгаришлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Айтиш жоизки, кейинги беш йил ичида вилоятнинг туман, шаҳарлари марказлари, қишлоқ ва маҳаллалари бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда. Янги ишлаб чиқариш корхоналари, савдо, хизмат кўрсатиш шохобчалари, турар жой бинолари, кенг ва раван йўللар, хиёбонлар ҳудудлар қиёфасига ўзгача кўрк бағишляпти.

Очиғи, икки йил аввал Андижонда бўлган кишининг ўзгаришларини кўриб ҳайрати ошади. Қад ростлаётган бир-бирдан чиройли бинолар, кенг ва обод кўчалар кўзни қувонтиради.

– Президентимизнинг, ҳукумати-мизнинг кўмаги билан Андижонда кейинги йилларда кенг кўламли қурилиш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, – дейди вилоят ҳокими Шўҳратбек Абдурахмонов. – Вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, қўйингки, иқтисодий соҳанинг барча йўналишлари жадал ривожланмоқда, халқимизнинг маънавий, маданий ҳаёти юксалмоқда. Андижонликлар тараққиёт ва юксалишининг юқори погоналари сари дадил одимламоқда. Ана шу ишлар замирида энг аввало юртин обод қилиш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашларини таъминлаш йўлидаги эзгу ва хайрли мақсадлар мўжасам.

Андижонда саноат, айниқса, тўқимачилик жадал ривожланмоқда. Ҳудудий инвестиция дастури доирасида биргина 2021 йилда вилоятда умумий қиймати 10,1 триллион сўм бўлган 735 лойиҳа ишга туширилди, 41 миңдан

зиёд янги иш ўрни яратилди. Лойиҳаларни жойлаштиришда ишсизлик юқори бўлган чекка ҳудудларга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Избоскан туманидаги "Сохиб омад баракаси" масъулияти чекланган жамияти томонидан йилга 10 миллион дона, Жалақудуқ туманидаги "Зумрад текстиль" корхонаси томонидан йилга 5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 2 миң нафардан зиёд қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланди.

Жорий йилда вилоятнинг "Ўсиш нуқталари"дан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий дастурлар асосида умумий қиймати 12,4 триллион сўмлик, хусусан, саноатда 302 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 166 та, қишлоқ хўжалигида 66 та, жами 501 та лойиҳани амалга ошириш, 40 миңдан зиёд янги иш ўринлари яратиш белгиланган.

Айниқса, юқори салоҳиятга эга бўлган тўқимачилик, қурилиш материаллари, электротехника, чарм-пойабзал, озик-овқат, фармацевтика ва маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш драйвер соҳаларига айланмоқда. Жумладан, энг кўп – 186 та лойиҳа трикотаж, тўқимачилик, қурилиш ма-

териаллари ишлаб чиқариш саноатида амалга оширилади.

– Корхонамизда ишлаб чиқариш жараёнлари босқичма-босқич ишга туширилмоқда, – деди Асака туманидаги "Асакатекстиль" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдувоҳид Абдуллаев. – Айни кунда ип-йигирув, матони бўяш, трикотаж ва сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш фабрикаларимизда 1 миң 200 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Маҳсулотларимиз асосан экспорт қилинади. Корхонамизда ўтган йили Қирғизистон, Қозғистон ва Россия давлатларига 8,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда экспорт ҳажмини 36 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Вилоятнинг драйвер соҳалардан бири текстиль тўқимачилик саноати бўлиб, ана шу йўналишда фаолият олиб бораётган 13 та пахта-тўқимачилик кластер корхоналаридан учтасида ўтган йили хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён ташкил этилди. Жорий йилда уларнинг сони олтигача етказилди.

Пахтаобод туманининг Дурдиёр маҳалласида 55 гектар тошлоқ ер майдонида тўқимачиликка ихтисослашган саноат зонаси ташкил этилмоқда. Мазкур тўқимачилик саноат зонасини зарур инфратузилма билан таъминлаш учун 65 миллион сўм бюджет маблаг йўналтирилди. Ҳудудларга инвестиция жалб қилиш ва ўзлаштириш бўйича янги тизим асосида барпо этилаётган ушбу саноат зонасига тай-

ёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 18 та лойиҳа жойлаштирилиб, ишга туширилди.

Маҳаллий тадбиркорлар иштирокида тузилган "Холдинг компанияси" томонидан лойиҳаларни амалга ошириш учун 163 миллион доллар инвестиция йўналтирилди. Натижада 5 миңга янги иш ўрни, йилга 75 миллион доллар миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Бу ерда тайёрланган маҳсулотларнинг камида 50 фоизи экспортга йўналтирилди. Умуман, вилоятда янги лойиҳаларни ишга тушириш, хусусан, саноат, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида олиб борилаётган юқоридаги каби ишларга яна қўллаб-қўллаб келтириш мумкин. Энг асосийси ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобига янги иш ўринлари яратилиб, одамлар доимий даромад манбаига эга бўлмоқда.

Вилоятда бугунги кунга қадар умумий қиймати 759,1 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 141 та лойиҳа ишга туширилди, 7 миңга яқин янги иш ўрни яратилган. Умуман, жорий йилда барча лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига йилга 3,5 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қувватлари яратилди, 681 миллион долларлик экспорт қилиш имконияти, 568 миллиард сўм миқдорда бюджетга соф тушум захираси яратилди, 20 хил турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди, 75 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланади.

4-бет

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР: БОШ РЕЖАЛАР, ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Райхона ХУЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

АОКАда қурилиш соҳасидаги ислохотлар, шаҳарлар бош режаларини ишлаб чиқиш, соҳага татбиқ этилаётган янги инновацион ечим ва технологиялар, хорижлик архитектор ва урбанистлар билан йўлга қўйилган ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган қурилиш вазири ўринбосари ва мутасаддилари ОАВ вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Шукурulloбкел ЖАҲОНГИРОВ,
қурилиш вазири ўринбосари:

– Бугунги кунда жаҳон қурилиш индустриясининг тобора ривожланиб бораётгани биз каби соҳа вакиллари зиммасидаги масъулиятни икки ҳисса оширмоқда. Яқинда Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилик, Қурилиш вазирилик ҳамда Бизнес-омбудсман ҳамкорлигида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг муаммолари, уларни бартараф этиш ҳамда ечим юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга



бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Унда қурилиш соҳасига оид тизимли муаммолар ва конструктив ечимлар борасида бир қатор фикрлар тингланди. Анжуманда қурилиш соҳасида ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг эскирганлиги, шаҳарларда қурилишлар пала-партиш, режа-сиз тарзда олиб борилаётгани танқид қилинди. Ушбу масалаларга кенг жамоатчилик ҳам муносабат билдирди.

Аввало, "Бош режа борми?", деган саволга жавоб берасан.

Умуман олганда, юртимиздаги 120 та шаҳарнинг 118 тасида бош режа мавжуд. 1 080 та шаҳарчининг 205 таси ҳам бош режа билан таъминланган. Албатта, ҳар бир бош режа Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура шаҳарсозлик кенгаши ҳамда вилоят

қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги Архитектура-шаҳарсозлик кенгашида кўриб чиқилади. Бундан ташқари, ушбу режалар асосида қурилган бино ва иншоотлар ҳудудлардаги архитектура ва шаҳарсозлик кенгашилари тарафидан ҳар ҳафтада ташкил этиладиган кенгашда тасдиқланади. Кейинги босқичда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертизадан ўтказилади. Демак, ҳар бир қонуний қурилмани ушбу тартибдан ўтказиш белгиланган.

Энди ноқонуний қурилмалар ҳақида тўхталасан. Ноқонуний қурилмаларга нисбатан қуриладиган чоралар тегишли қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, ҳозирги кундаги тизим асосида бу ишларни қурилиш соҳасида назорат инспекция-

лари бажаради, текширади ва таҳлил қилади. Маълумки, яқинда давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида қурилиш, шаҳарсозлик ва архитектура соҳасида истиқболда қилиниши лозим бўлган қўллаб-қўллаб вазифалар белгилаб берилди. Очиғи, ушбу йиғилиш қурилиш, архитектура ва шаҳарсозлик соҳасини тубдан ислоҳ қилишда соҳа вакиллари учун янги даврни бошлаб берди. Эндиликда ҳар бир вилоятда шаҳарсозлик ҳужжатлари назорати бўлимида архитекторлар томонидан назорат қатъий таъминланади. Бу жараёнларга шаҳарсозлик нормалари борасида яхши кўникма ва тажрибага эга архитекторлар жалб қилинади.

2-бет

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР: бош режалар, янги технологиялар, халқаро ҳамкорлик

1-бет

Ушбу масалалар Қурилиш вазирлигининг бевоқиф вази фақари ҳисобланади. Гап шундаки, ривожланган давлатларда шаҳарларни архитектуравий ривожлантириш ва қурилиш-бунёдкорлик ишларида нафақат давлат назорати таъминланади, балки бу ерда оддий фуқаро, кенг жамоатчиликнинг фикри ҳам инобатга олинади. Бу борада ҳар бир фуқаро ўз муносабатини эркин билдириш ҳуқуқига эга. Демак, ноқонуний қурилишларни олдини олишда бизда ҳам аввало, масъулият бирламчи масалага айланиши лозим.

Охириги йилларда қурилиш соҳаси ривожига қаратилган 22 та қарор ва фармонлар қабул қилинди. Сўнгги беш йилда 250 минг хонадонли 8 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар қурилди. Бу билан 250 мингта оиланинг кўнглига ёруғлик кирди. Торғина уйда 3-4 оила бўлиб яшаётган ака-укаларнинг ўз хонадонига эга бўлишдек озуларни рўёбга чиқди. Албатта, ўтган қисқа 5-6 йиллик давр янги тарих бўлиб муҳрланаётгани бор гап. Хусусан, 2021 йилнинг 9 декабрида яна бир тарихий ҳужжат қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ғи Фармони уй-жойга эҳтиёжни бор минглаб фуқароларнинг кўнглидаги гап бўлди. Ушбу Фармон билан ҳудудларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, инфратузилмасини яхшилаш ҳам мақсад қилинди. Бугунги кунда юртимизда 29 та массив таллаб олинган ва амалий ишлар бошлаб юборилган.

Жумладан, республика бўйича қурилиш ишлари ҳажми 2020 йилда 88,1 трлн сўмини, 2021 йил 107,5 трлн сўмини ташкил этган бўлса, жорий йил май ойи якуни бўйича 45 трлн сўмини ташкил этмоқда. Қурилиш соҳасида давлат назорати такомиллаштирилди ва инспекциянинг назорат функциялари кучайтирилди. Натижада қурилиш ишларини бошлаш учун объектнинг рўйхатдан ўтказиш ҳамда тугалланган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича янги регламент қабул қилинди. Камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаган тақдирда ҳудудий инспекциялар томонидан пудрат ташкилотини тўғридан-тўғри жаримага тортиш ваколатлари берилди.

Эндиликда объектларда назорат ўрнатиш бўйича "Қурилиш назорати" ахборот тизими жорий қилинди. Унга кўра, объектларни рўйхатга олиш тизимида "рухсатнома бериш" тартибидан воз кечилиб, "хабарнома бериш" тамойилига ўтилди. Шунингдек, қурилиш объектларида аниқланган барча камчиликлар фотосуратлари билан биргаликда тизимга онлайн равишда киритилиши таъминланди ва назорат жараёнини автоматлаштирилди. Жумладан, бугунги кунга қадар ушбу тизим орқали 26 мингдан ортиқ объект назоратга олинди. Хусусан, ушбу тизим ёрдамида Қурилиш назорати инспекцияси томонидан 56 минг мар-

та мониторинг ўтказилди. Натижада қоидабузарларга 55 мингта ёзма кўрсатма берилди ҳамда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги сабабли 3 мингта ҳолат бўйича судларга ҳужжат киритилди.

Айни пайтда "Қурилишда давлат назорати" ахборот тизими янада такомиллаштирилмоқда. Эндиликда, бюротмачи, лойиҳачи ва пудрат ташкилотлари ходимлари учун шахсий кабинетлар жорий этилади. Улар таснифланиб, қурилиш-монтаж ишлари даврида ҳужжат айрибошлаш механизми тўлиқ электронлаштирилади. Инспектор назоратида "чек-лист" сўровномаси имкониятини жорий қилиш орқали қурилиш-монтаж ишларига баҳо бериш тартиби белгиланди. Энди қурилиш объектига кириб келаётган қурилиш материаллари ҳисобини юритишда электрон журнал тизимига ўтилади. Инспекция масъулларига интерактив харита орқали режадаги ва жорий қурилаётган объектлар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида кузатиш ҳамда мониторинг қилиш имкони яратилади.

**Санд ТҲҲТАЕВ,
Қурилишда назорат инспекцияси
раҳбари ўринбосари:**



– Албатта, ҳеч қайси тадбиркор ёки қурилиш ташкилоти истаган ҳолатда қурилиш амалга оширилмайди. Аммо гуруч курмасиз бўлмаганидек, баъзи ноқонуний ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Шунинг билан лозимки, қаердадир қурилиш бошландими, демак, уни таъминлаш ҳужжати бор. Лойиҳа келишилди, қурилишга рухсат теккунича тегишли мутасадди ташкилотлардан керакли хулосалар олинди ва бу хулосалар асосида иш бажарилади. Хулосада берилган талаблар бажарилгандан кейингина қурилишга рухсат берилади ва қурилиш назоратга олинган ҳолда амалга оширилади. Сўнгги беш-олти йил мобайнида қурилиш назорат аниқ кучайтирилди. Мақсад, ноқонуний қурилишларни камайтириб, йўқ қилишдан иборат. Бу ишларни халқ ва жамоатчилик назорати билан биргаликда амалга оширсак, келажакда ноқонуний қурилишларга барҳам бера оламиз. Йил бошидан бери бу ишларга қаттиқ кизирилиб, ҳар битта вилоятда мониторинг ишлари олиб бориляпти.



**Райхона ХҲАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.**

Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудларида ватанимиз мустақиллиги тантаналарига тайёргарлик авжиде. Энг улғу ва энг азиз байрамга юртдошларимиз ҳам ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида эзгу ишларни амалга оширмоқда. Хоҳ бунёдкорлик, хоҳ ободончилик бўлсин, буларнинг барчаси шу азиз юрт равнақи, ривож учун хизмат қилиши тайин.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳам пойтахтимиз ва вилоятларда халқимиз фаровонлиги ҳамда уларга ҳар томонлама қўлай шароитлар яратишга қаратилган бунёдкорлик ишлари билан жонажон ватанимиз ривожига ҳисса қўшиб келаяпти. Хусусан, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тасарруфидеги "Кўприкқурилиш трести" унитар корхонасининг 13-Кўприкқурилиш отряди вилоятнинг Зангиота туманидаги Назарбек шаҳарчаси ҳудудидан ўтган темир йўл ва автомобиль йўллари кесимасида барпо этилаётган янги ва замонавий йўл ўтказгич – кўпригини қуриш ишларини жадал суръатларда олиб борилаётгани фикримизнинг исботидир.

Бугун катта ҳажмдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари натижасида янги-янги манзиллар, шаҳарча маҳаллалар барпо этилиб, аҳоли фаровонлиги оширилди. Янги манзиллар эса ўз навба-

тида йўлларга бўлган эҳтиёжни янада ошириши табиий ҳол. Қолаверса, бугун ҳар бир оилада икки-учтадан автомобиль бўлиши ҳеч қимми ажаблантирмай қўйди. Бу ҳам кун сайин йўлларимизнинг ўтказувчанлик хусусияти пасайиб, уларни кенгайтириш, йўл ўтказувчи кўприклар барпо этишга эҳтиёжни янада ортиряпти. Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида сўнгги йилларда кўпбал кўприклар барпо этилаётганининг бош сабаби ҳам шу – одамларнинг вақтини тежаш, узогини яқин қилиш, тирбандликларни олдини олишдир.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Назарбек шаҳарчасида ҳам сўнгги йилларда аҳоли сони ортди. Айни пайтда ушбу шаҳарча ҳудудидаги тўққизта маҳаллада 32 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўпчиликка маълум, уларни бир неча йилдан буюн қўйнаётган масала ушбу ҳудуддан ўтувчи темир йўл ва автомобиль йўли кесимасининг вақти-вақти билан ёпилиб туриши ва узундан узқ тирбандликларнинг келиб чиқиши оқибатида шаҳар маркази ва шаҳарчага етиб олиш масаласининг қийинлашиб бораётгани эди.

Маълумки, 4P253 автомобиль йўли билан кесишган темир йўлдан ҳар қуни юк поездлари ўтиб туради. Поезд қатнови туфайли автомобиль йўли шлагбаум билан ёпилади, йўллар тўсилади. Баъзида манёвр тепловози йўлни алмаштириб олиши учун қарийб 10 дақиқачага тўсиб қўйилади. Айниқса, эрталаб ва кечқурун йўлнинг ёпилиши натижасида Тошкент шаҳрига ишга

Назарбек шаҳарчасида замонавий темир йўл кўприги қурилмоқда



келаётган ва ишдан қайтаётган аҳолининг автотранспортларидан иборат улкан тирбандлик ҳосил бўлади.

Эндиликда ушбу муаммонинг ечими топилимоқда, десак адашмаган бўламиз. Чунки ҳудуд аҳолисидан тушган кўпбал муносабатлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги "2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ғи қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 198-Ф-сонли фармойишига асосан, "4P253 Тошкент шаҳри – Туркистон ш/х – Қозғистон Республикаси чегараси" автомобиль йўлининг 3 километридаги темир йўл устидан йўл ўтказгич қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, "Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" давлат унитар корхонаси бюротмачи сифатида белгиланган. Лойиҳани эса "Йўл-лоиҳа-бюроси" масъулияти чекланган жамияти мутахассислари тайёрлади. Бош пудратчиликка "Кўприкқурилиш трести" унитар корхонаси таркибидеги 13-Кўприкқурилиш отряди танланди.

Лойиҳага кўра, ушбу темир йўл ва автомобиль кесимасида янги йўл ўтказгични темир йўл остидан тоннель шаклида ўтказиш лойиҳаси бир оз мураккаб. Шундай бўлса-да, натижаси самарали бўлиши кутилмоқда.

Лойиҳа доирасида қуйидаги ишларни бажариш режалаштирилган:

– умумий узунлиги 398 метр, кенглиги 22 метр, кўприк ости баландлиги эса 7 метр бўлган тоннель типидеги йўл ўтказгич қурилишини амалга ошириш;

– тоннель устидан ўтувчи 3 изли, узунлиги 32,25 метр, кенглиги 18,5 метрли, схемаси 2x13 бўлган темир йўл кўприги қуриш;

– 28 метр узунликда, 12,5 метр кенликдаги автомобиль йўли кўприги қурилиш лойиҳаси пухта ва ҳар бир ҳолат жиддий ўрғаниб чиқилган, тасдиқланиши белгиланган.

– Ушбу йирик лойиҳанинг дастлабки қурилиш ишлари 2021 йилнинг сўнгги ойларида бошланди, – деди 13-Кўприкқурилиш отряди муҳандиси Зафаржон Иргашев. – Дастлаб, тажрибали мутахассисларимиз билан лойиҳанинг ҳар бир жиҳатини пухта ўрғаниб, замонавий техникаларда тупроқ ишларини бажардик. Шундан сўнг, мустаҳкам темир-бетон пойдеворлари босқичма-босқич тайёрланди. Айни пайтда ер ости йўл ўтказгичнинг пойдеворларида қурилиш ишлари тугатилиб, лойиҳа доирасида навбатдаги ишлар бажарилмоқда. 13-Кўприкқурилиш отряди жамоасидан иборат 50 нафарга яқин тажрибали мутахассислар билан 20 дан зиёд замонавий техникаларда янги кўприк қуриш ишларини сифатли олиб бораёмиз.

Муҳандиснинг таъкидлашича, қурилиш объектига зарур бўлган темир-бетон маҳсулотлари "Кўприкқурилиш трести" унитар корхонасига қарашли ташкилотларда ишлаб чиқарилган бўлиб, материаллар ўз вақтида етказиб берилмоқда. Бугунга қадар лойиҳа доирасида геодезия ишлари амалга оширилиб, қурилиш ҳудудига тушган коммуникацияларни кўчириш ҳамда вақтинчалик темир йўл изини қуриш ишлари олиб бориляпти. Объектнинг тоннель қисмида пойдевор қазини ишлари 25 минг куб метр (24 фоиз) бажарилиб, бетонланди. 94 дона темир-бетон блоклари монтаж қилиниб, пойдевор қисми билан бириктириш ишлари олиб боришмоқда. 12 та картада котлованларни қайта кўмиш ишлари бажариляпти.

Бир сўз билан айтганда, бугун Назарбек шаҳарчасига олиб борувчи 4P253 автомобиль йўли билан кесишган темир йўл ҳудудини катта қурилиш майдони, дея таърифласак арзийди. 2023 йилда қуриб битказилиши режалаштирилган ушбу замонавий кўприк фойдаланишга топширилган, 32 мингдан зиёд маҳаллий аҳоли ва ушбу йўлдан ўтиб қайтаётган бошқа ҳайдовчиларнинг анча вақти тежаланиб, қолаверса, автоуловлар тирбандлиги барҳам топиши натижасида атроф-муҳим экологияси мусоффолиги янада яхшиланади.

Хизмат кўрсатиш ҳажми ортмоқда

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.**

Замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш, одамларни доимий меҳнатга жалб қилиш масаласи давлатимизнинг асосий талабларидан бири. Бугунги кунда ана шу қоидага амал қилаётган тадбиркорлар, корхоналар ўз имкониятларини янада кенгайтириб, вақтинчалик ишсиз макомини олганларни, шунингдек, дафтарлар рўйхатида турувчиларни қайта ихтисослаштириб, фойдали меҳнатга жалб этишмоқда.

Бу борада айниқса, Президентимизнинг жорий йил 27 январдаги "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ғи қарори ташкилий ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ушбу ҳужжат асосида жойларда хизматлар кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш учун бир қатор имтиёзлар ҳам берилди.

Тошкент вилоятида ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, айниқса, хизматлар кўрсатиш соҳасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятда йилнинг ўтган ойларида хизмат ва сервис соҳаси-

ни жадаллаштириш мақсадида 1 минг 600 та лойиҳага 306,9 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди. Шу туфайли хизматлар соҳасида 70 минг 950 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозир вилоятда мажбур талаб бўйича 33,8 мингта тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Бу, жами ишлаб турган корхоналарнинг 60,6 фоизини ташкил этади. Айтиш лозимки, сўнгги беш йил оралиғида хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ислохотлар таҳлил қилинганде бу йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари сони 2017 йилдагига нисбатан 14,5 мингтага ортган.

Шулар баробарида вилоятда иккинчи чорак якуни билан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий инвестиция дастури доирасида хизмат кўрсатиш соҳасида қиймати 228,5 миллиард сўмлик 57 та лойиҳа ишга туширилди. Бу эса яна кўпбал янги иш ўринларини яратиш имконини берди. Хусусан, шаҳар ва туманларда 24 соат ишлайдиган 22 та махсус хизмат кўрсатиш тармоқлари ишга туширилиб, йил якунигача бундай шохобчалар сони 1 минг 159 тага етиб, туризм ва бошқа йўналишларга ихтисослашган хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари раислигида яқинда ўтказилган хизматлар кўрсатиш ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича видео-селектор йиғилишида бу борада амалга оширилган ютуқлар билан бирга, фаолиятида сусткашликка йўл қўйгани учун айрим ҳудуд-

ларнинг раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди. Ана шу йиғилишда Президентимиз Бекобод тумани мутасаддиларининг бу борадаги ишлари тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтганди.

Утган вақт оралиғида видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида туманда зарур чоралар кўриляпти. Жумладан, ҳозирги кунгача ҳудуддаги 6 минг 258 нафар ишсиз фуқароларнинг 3 минг 200 нафари хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали бандлиги таъминланди. Хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш юзасидан 334 та бўш турган ер майдонлари "Е-ауқцион" савдоларига чиқарилди, уларда мингта иш ўрни яратилди. Ишлангилар натижасида хизмат кўрсатиш ҳажми йил якуни билан 934,1 миллиард сўмга, яъни, 148,2 фоизга етказилиб, аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажминини 7,5 миллион сўмга кўпайтиришга эришилди.

Муҳими, ҳудудда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш бўйича қўлай имкониятлар мавжуд. Масалан, Тошкент-Бекобод серкатнос автомагистраль йўл ёқаларида ҳар 7-8 километрда намунавий лойиҳа асосида кичик савдо тармоқлари ҳамда ақли бекат лойиҳаларини амалга ошириш мумкин. Замонавий бозор ташкил этиш орқали эса 1 минг 200 та иш ўрни яратиш имкони мавжуд. Бундай имконият ва қўлайликлардан унумли фойдаланишга, аҳоли турмуш фаровонлиги янада ошиши шубҳасиз.

"Ташаббусли бюджет" Қарши туманида

**Элёр ҲАЙДАРОВ,
журналист.**

Сўнгги пайтларда аҳоли оғирини енгил қилиш мақсадида кўпбал соҳаларда электрон тизимлар жорий қилинди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг очик бюджет (openbudget.uz) портали ишга тушгани муҳим аҳамият касб этади.

Порталнинг "Ташаббусли бюджет" қисмида аҳоли бемалол ўз ҳудудидаги муаммо ва камчиликлар, тақлифларни билдириб, ҳолис овоз йиғиш орқали керакли жойда маблағнинг тўғри сарфланишига эришиши мумкин. Утган даврда у орқали кўпгина чекка ҳудудларда йўл, электр-энергия, мактаб, боғча ва сув таъминотидаги камчиликлар тўғриланди.

Масалан, биргина Қарши туманининг ўзида 573 та тақлиф келиб тушган. Шундан, 301 таси комиссия текшируви орқали овоз беришга қўйилиб, якунда юқори ўринларни эгаллаган 18 та ҳудуд тақлифи молиялаштирилди. Молия вазирлигининг Қарши тумани бўлими мутахассисларининг айтишича, ушбу лойиҳаларга туман ҳокимлиги томонидан умумий қиймати 10 млрд 166 млн сўм ажратилган. Бу маблағнинг бир қисми 12 та

йўл қурилиши, 2 мактаб таъмири, 1 та истироҳат боғи, 1 та спорт майдони ва 1 та сув иншоотини таъмирлашга йўналтирилган. Айни пайтда лойиҳаларнинг асосий қисми бажарилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ўтган йили фуқаролардан келиб тушган 100 дан ортиқ тақлифнинг 27 таси ғолиб, деб топилган. Аввалги йилгидан фарқли бу йилда очик бюджет дастури икки марта амалга оширилди. Иккинчи босқичда эса Қарши туманининг ўзида 6-7 млрд сўм атрофида маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Эътиборлиси, ижтимоий объектларнинг таъмири ва қайта қурилиши дастлабки йилда бир марта амалга оширилган эди, бу йил эса икки марта амалга ошди. Секин-аста бу тизим аҳоли орасида ёйилиб бормоқда. Чунки халқимиз "Ташаббусли бюджет"нинг афзаллиги, ишончли ва самарали эканини англаб етмоқда.

Шу ўринда мажбур лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларига ҳам тўхталиш керак. Масалан, 2022 йилнинг иккинчи ярмидаги тақлифлар қабул қилиш муддати 15 июлдан 4 августга қадар. Комиссиянинг ўрғаниши ва овоз бериш жараёنлари 20 кундан давом этади. Умумий жиҳатда у босқич 60 кунда якунига етади. Ҳудуд бўйича муаммоли объектларни интернет орқали ҳаммаси жойланса, ҳеч қанақа идорама-идора сарсонгарчилик бўлмайди.

МАЛАКАЛИ ҚУРУВЧИЛАРГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

Ҳасан БОБОЖОНОВ,
Бухоро архитектура ва қурилиш
техникуми директори.

Юртимизда қурилиш ҳажми йил сайин ортиб бораётгани барчага маълум. Бу, ўз навбатида, соҳада малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни янада орттиради. Бу борада қурилиш соҳасига керакли мутахассисларни тайёрлаб бераётган архитектура ва қурилиш техникумларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 августдаги ПҚ-5241-сонли қарорига асосан, Бухоро архитектура ва қурилиш техникуми ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Таълим муассасамизнинг қуввати 450 ўринли. Қолаверса, Президентимизнинг 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4962-сон "Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2021 йил 1 апрелдан Бухоро архитектура ва қурилиш техникуми негизда Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларни тайёрлаш маркази ҳам фаолият бошлади. Марказнинг қисқа муддатли курсларида 2021/2022 ўқув йилида 8 та йўналиш бўйича 536 нафар тинловчи ўқитилган.

Айни пайтда техникумимизда 19 нафар малака тоифага эга бўлган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари фаолият юритапти. "Архитектура", "Био ва иншоотлар қурилиши", "Автомобилларни йиғиш ва синаш", "Бухгалтерия ва аудит" касблари ҳамда марказда ўқитилаётган 8 та касб бўйича барча ўқув-меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Техникумда дарс жадвали талаб даражасида ишлаб чиқилган бўлиб, ўқув жараёни тасдиқланган режа асосида олиб боришмоқда. Бундан ташқари, Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти билан ўқув-услубий масалалар бўйича доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Хусусан, адабиёт, услубий қўлланма, маърузалар матни каби таъминот масаласида тўғридан-тўғри олий таълим муассасасининг электрон кутубхонасида фойдаланиш имкони мавжуд.

Март ойида техникумда "Профессional таълим муассасаларида мутахассислик фанларини ўқитиш услубиёти" мавзусида ўқув-семинари, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталари учун ўқув-меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, таълим тизимидаги ўзгаришлар бўйича методик семинарлар ташкил этилди. Уларда Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти доценти Н. Бахриев "Қуруқ гипс арашлаларини биокор-

ришмалар билан моделлаш, уларнинг ёпишма ҳусусиятини текшириш" мавзусидаги, Бухоро муҳандислик технологиялари институти "Метрология ва стандартлаштириш" кафедраси катта ўқитувчиси З. Болтаева "Қурилиш жараёнидаги технологияси" мутахассислик фанининг ўқитиш услубиёти ҳамда Бухоро муҳандислик технологиялари институти "Био ва иншоотлар қурилиши" кафедраси катта ўқитувчиси Р. Буранов "Қурилиш жараёнидаги технологиясида назария ва амалиёт" мавзусидаги тақдиротлари билан иштирок этишди. Шу йилнинг май ойида 1-босқич "Архитектура 1-21" гуруҳи билан "Архитектура материалшунослиги" фанидан "Иссиқлик изоляцияси материаллари ва акустик материаллар" мавзусида 300М платформаси орқали Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти ўқитувчиси З. Пулатова томонидан очик дарс ўтказилди.

Бу каби методик семинар ва тадбирлар орқали ўқитувчилар ўзаро таъриба алмашиш имконига эга бўлишса, ўқувчи-ёшларда махсус кўникмалар шаклланиши ортади.

Хозирда техникумда "Архитектура", "Био ва иншоотлар қурилиши", "Сув ва канализация тизимларини монтаж қилиш, фойдаланиш ва таъмирлаш", "Маданний мерос объектларини асраш ва таъмирлаш устаси", "Қурилиш электр тармоқлари монтажчиси", "Бухгалтерия", "Автомобилларни йиғиш ва синаш" касблари бўйича мутахассислар тайёрланади. Ушбу касблар ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларига асосан буюртма асосида йўлга қўйилган бўлиб, битирувчиларнинг келгусидаги иш ўринлари ҳам эътиборга олинган аҳамиятлидир.

Жамоамиз 61 та умумтаълим мактабига бўлиб, 1 271 нафар битирувчи билан учрашувлар ўтказди. Бундан ташқари, ўқувчиларни техникумга жалб қилиш бўйича икки маротаба "Очик эшиклар кун" тадбирлари ўтказилди, "Бухоро", "Истиклол" телеканалли, техникум расмий веб сайти ҳамда телеграм каналлари орқали тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб бораемиз.

Утган 2021/2022 ўқув йили 2-босқич ўқувчиларини ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини ташкил этиш

бўйича 3 та касб бўйича 7 та корхона ва ташкилотлар билан икки томонлама амалиёт шартномалари имзоланган. Ушбу корхоналарда ўқувчиларни амалиёт ўтатиш хоналари ва ўрта махсус профессионал мутахассислар учун бўш иш ўринлари мавжуд.

Таълим муассасамизга 2022 йилда бюджет маблағлари ҳисобидан хомаш ва ёқилги мойлаш материаллари учун 326 млн сўм маблаг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан 8 та юк автомашинаси ва махсус техника воситалари ажратилган. Бу ҳам касб ўрганаётган ёшлар учун яратилган қулай шартнолардан бири ҳисобланади.

Техникумда тайёрланадиган 8 та касб бўйича – фиш терийш, электргаз пайвандлаш, дурадгорлик, бўёқчи-безакчи, сантехника ишлари устаси, гипсокартон монтажчиси, электромонтажчи, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устасоналари мавжуд бўлиб, барча хоналар талаб даражасида жиҳозлар билан таъминланган. Педагог кадрларнинг методик таъминотини муостахкамлаш, уларни янги таълим ресурслари билан таъминлаб олиш имкониятини берадиган алоҳида Биш ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган (профеду.уз) электрон платформадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган. Таълим дастурлари, ўқитиш материаллари ҳамда бошқа услубий қўлланмалардан масофавий тарзда фойдаланиш имконияти туфайли анча қулайликлар мавжуд.

Айни пайтда барча таълим муассасаларида бўлгани каби бизнинг техникумда ҳам 2022/2023 ўқув йили қабул жараёнини ташкил этиш бўйича вилоятдаги 18 та корхона-ташкilotларнинг эҳтиёжлари тўлиқ ўрганиб чиқилди. 8 та касб ва мутахассисликлар бўйича 461 та реал иш ўринларига бўлган эҳтиёж асосида буюртмалар олинган ҳамда 11 та йирик корхоналар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Хозирда КНАУФ Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси билан амалий ишлар олиб боришмоқда. Биргина ушбу ўқув йилида техникумда мавжуд "Қурилиш пардозлаш" ва "Гипсокартон монтаж қилиш" йўналишидаги ўқувчиларнинг амалий машғулотларини ўтказиш учун 50 млн сўмлик қурилиш материаллари корхона томонидан олиб берилгани ҳам катта ишлардан бири, десак арийдим. Бундан ташқари, алоҳида режа асосида техникумининг ишлаб чиқариш таълим усталари КНАУФ Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасига бориб малака ошириб келмоқда.

Бугун таълим муассасаларида ўқиб, касб ўрганаётган ёшлар келгусида юртимиз бунёдкорлиги учун ўз ҳиссасини қўшишига ишонамиз. Яратилган шароит ва имконият туфайли келгусида юртимизда малакали кадрлар янада кўпаяди деган умиддамыз.

ТА'ЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

Oliy ta'lim muassasalarida kasbiy va ijodiy imtihonlar boshlandi

Rayhona XO'JAYEVA,
"O'zbekiston bunyodkori" muhbiri.

Xabaringiz bor, 1–10-avgust kunlari mamlakatimizning 46 ta OTMda kasbiy imtihonlar bo'lib o'tishi rejalashtirilgan edi. Abituriyentlar ota-onalariga imtihon jarayonlari haqida tezkor va batafsil ma'lumot berib borish maqsadida maxsus "Eduuzijodiy"2022 (https://t.me/eduuzijodiy) telegram kanali faoliyati yo'lga qo'yildi. U orqali imtihonlar qaysi oliy ta'lim muassasasida bo'lib o'tayotgani, imtihon o'tkaziladigan joylar, o'quv xonalarni jonli tarzda kuzatish mumkin bo'ladi. Shuningdek, maxsus kanalga imtihonlar haqidagi xabarlar (foto va videolavha) ham joylab borilmoqda.



Ijodiy imtihonlarni xolis va shaffof o'tkazilishini keng jamoatchilikka yetkazish maqsadida jarayonlarga deputatlar, OAV vakillari, bloggerlar, davlat va jamoat arboblari ham taklif etilmoqda. Qolaversa, OTMda bo'lib o'tayotgan imtihonlarni imtihon.edu.uz platformasi hamda oliygo'hlarning rasmiy YouTube kanallari orqali jonli kuzatib borish imkoni ham mavjud. Xususan, Toshkent arxitektura-qurilish instituti Arxitektura fakultetida Dizayn yo'nalishi bo'yicha Rang tasvir fanidan

kasbiy (ijodiy) imtihon ham katta tayyorgarlik bilan o'tkazildi. Imtihonda Dizayn o'zbek guruhidan 160 nafar abituriyent ishtirok etib, shundan 80 nafari chizmachilik, qolgan 80 nafari natyurmort janrida o'z mahoratlarini sinab ko'rishdi.

Shuningdek, imtihon jarayonlari xolis bo'lishi va korrupsion holatlarni oldini olish maqsadida institutning Korrupsiyaga qarshi kurashish "Kompliyens-nazorat" tizimini boshqarish bo'limi boshlig'i Bahodir Polatov tomonidan kuzatuv ishlari olib borildi.

Kasbiy imtihonlar Mirzo Ulug'bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish institutida ham bo'lib o'tdi. Imtihon jarayonlari belgilangan tartibda amalga oshirildi. Institut rektori Chidem Turkiymaz raisligida tashkiliy jamoa tomonidan imtihon jarayonlarining tartib-qoidalari va abituriyentlarga belgilangan vazifalar batafsil tushuntirildi.

Institut rahbariyati tomonidan abituriyentlarning ota-onalari, jamoatchilik vakillari uchun imtihon jarayonlarini shaffof, ochiq holda o'tayotganini nazorat qilishlari uchun barcha shart-sharoitlar yaratilgan. Ota-onalar istagiga ko'ra jarayonga xalaqit bermagan holda vaziyatni joyida kuzatish imkoniyati ham yaratildi.

"Yozgi universitet – 2022"

Toshkent arxitektura-qurilish instituti talabalari "Yozgi universitet – 2022" dasturi doirasida M. D. Millionshikov nomidagi Grozniy davlat neft texnika universitetida tashkil etilgan tadbirda ishtirok etishdi. Shuningdek, talabalar uchun Grozniy shahri atrofidagi diqqatga sazovor joylarga sayohat tashkil etildi. Bundan tashqari, talabalar o'z sohalariga oid loyihalarda ham ishtirok etdilar.



"Yozgi universitet – 2022" dasturi kelgusi yilda ham tashkil etilishi rejalashtirilmoqda.

Rossiya Federatsiyasi Checheniston Respublikasining Grozniy shahriga tashkil etilgan "Yozgi universitet – 2022" loyihasida qatnashdik, – dedi TAQI Bino va inshootlar qurilishi fakulteti 3-bosqich talabasi Asadbek Kuliye. – U yerda bizni Grozniy shahridagi akademik M. D. Millionshikov nomidagi Grozniy davlat neft texnika universiteti jamoasi kutib oldi. Ta'lim dasturida 2 davlat, ya'ni, O'zbekiston va Armaniston talabalari ishtirok etdik va Qirg'iziston, Qozog'iston, Tojikiston, Turkmaniston, Gruziya hamda Rossiya Federatsiyasi universitetlaridan ishtirok etgan talabalar bilan onlayn muloqot olib borildi. Dastur Pskov shahridagi davlat universiteti tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, Geodeziya, Arxitektura, Qurilish materiallari hamda Soft Skills, Ommaviy loyiha kabi fanlarni o'z ichiga qamrab olgan.

Sohaga tegishli bo'lgan fanlar Grozniy shahridagi akademik M. D. Millionshikov nomidagi Grozniy davlat neft texnika universitetining tajribali professorlari tomonidan mukammal tarzda olib borildi. Dastur fanlaridan tashqari butun mamlakat bo'ylab sayohat, sport musobaqalari, konsertlar, intellektual o'yinlarni o'z ichiga olgan bilan ham bizda katta taassurot qoldirdi. Dastur juda mukammal ishlangan bo'lib, 16 kunlik tashrifimiz qanday tez o'tib ketganligini bilmay qoldik. Barcha talabalar shirin va unutilmas xotiralar bilan O'zbekistonga qaytdik.

Бузилган ҳуқуқлар тикланди

Авазхон ТҶАРАҲҲУЖАЕВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши
Бош юрисконсулти.
Мансуржон УСМОНОВ,
Меҳнат ҳуқуқ инспектори.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти Кенгаши томонидан фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш, йўлланаётган мурожаатларни ижобий ҳал этиб, ҳаётдан рози бўлиб яшашларига қўмаклашиш йўлида тизимий ишлар олиб боришмоқда.

Вилоят кенгашига "Қувасой-цемент" АЖнинг ишчи-ҳодимлари 2021 йил учун иш ҳақи ва жаммо шартномасида белгиланган тўловларни жамият томонидан ўз вақтида тўланмагани сабабли ундириб беришда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилишган эди. Мазкур мурожаат қонун доирасида ўрганилиб, ҳолат бўйича судга мурожаат қилинди. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2022 йил 7 апрель кунги ҳал қилув қарори билан

ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ҳақи шаклидаги тўловларни ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, жамиятнинг 1 170 нафар ишчи-ҳодимларига 2022 йил июль ойида жами сўраб мурожаат қилишган эди. 1 623 751 562 (бир миллиард олти юзи йигирма уч миллион етти юз эллик бир минг беш юз олтиш икки минг) сўм меҳнат ҳақи шаклидаги тўловлар "Қувасойцемент" акциядорлик жамияти томонидан тўлиқ тўлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6186-сонли фармони ижроси юзасидан:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ

2022 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади!

Танлов савдолари эълон қилинган сана: 2022 йил 5 август.

Танлов тақлифларини тақдим этиш учун охири мuddat: эълон чоп этилган санадан 10 кундан сўнг.
Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси: тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтилган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов тақлифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Тошкент вилояти ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов тақлифларини тақдим этишга тақлиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июнда 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

4. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Тошкент

вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзилига мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 44-уй. Тел.: 95-512-15-32, 512-15-22.

5. Танлов ҳужжатларининг нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишлари мумкин: _____ вилояти, _____ тумани, _____ массивидаги, _____ лот _____ та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман.

Танлов ҳужжатлари эълони чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчи олиши мумкин. Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчининг – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўптам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИХга тенг (2022 йил 1 июнь ҳолатига – 300 000 сўм). Реквизит: АТБ "Asia Alliance Bank"

Олмазор филиали МФО 01102 СТИР 300 017 720 х/р: 2021 0000 5045 4602 7001.

6. Танлов тақлифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим: юқорида кўрсатиб ўтилган консалтинг марказига; тақлифларини тақдим этиш сўнгги мuddatига; лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтигача; танлов ҳужжатларида белгиланган тартибда тақлиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш; кўп квартиралли уй-жойларни жойлаштириш бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи; квадрат метри (1 м²) реализация нархи; уй-жойни ўз маблағи ҳисобидан қуриш учун етарли маблағи мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.

7. Танлов тақлифларининг очилиши тақлифлар тақдим этишининг охири кунинда танлов савдоларида қатнашиш истагани билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти ҳокимияти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йули кучаси, 90-уй.

8. Танлов савдоларида қатнашиш истагани билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир донга уй учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм)	Сўнгги 3 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми м³	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³	Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган объект майдони м²
Беш қаватли кўп квартиралли (2, 3 хонали) уйлар	3 250 000 000	2 750 000 000	500	875	1875

Лот №	Ҳудуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Квартиралар сони	5-қаватли бир подъездли 20-квартиралли 2-3 хонали уйлар		Тақлифларни топшириш охириги мuddati	
				сони	квартира		Уй рақам
TB-11-06п	Зангиота тумани	Туркистон	20	1	20	1-1	2022 йил 15 август, соат 11.00
TB-11-07п	Зангиота тумани	Туркистон	20	1	20	1-2	2022 йил 15 август, соат 11.00
TB-11-08п	Зангиота тумани	Туркистон	20	1	20	1-3	2022 йил 15 август, соат 11.00
TB-11-09п	Зангиота тумани	Туркистон	20	1	20	1-4	2022 йил 15 август, соат 11.00
TB-11-10п	Зангиота тумани	Туркистон	20	1	20	1-5	2022 йил 15 август, соат 11.00



ЮКСАЛАЁТГАН АНДИЖОН: тараққиёт сари дадил қадамлар



ХАР БИР КИШИ ЎЗ УЙИ БЎЛИШНИ ИСТАЙДИ

Хар бир инсон, айниқса, ўзбек халқи учун бошпана, уй-жой қилиш энг муҳим ҳаётий эҳтиёжлардан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам, Президентимизнинг арзон уй-жойлар қуриш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги ташаббуси андижонликларни қувонтиради. Чунки уй-жой масаласи вилоятда энг долзарб масалалардан биридир. Вилоятнинг аксарият ҳудудларида бир ҳовлида иккита, учтадан оила яшайди. Ҳатто, кўп қаватли уйга иккита келин туширган оилалар бор. Бу албатта, оилавий муносабатлар, турмуш тарзи билан боғлиқ қатор муаммоларни юзага келтиради. Вилоятда кейинги йилларда кўп қаватли уйлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги эса ана шу муаммоларни, кишиларнинг биринчи галдаги эҳтиёжларидан бири уй-жой масаласини ижобий ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, Андижон вилояти мамлакатимиздаги ҳудуди жиҳатидан энг кичик, аҳолиси эса энг зич яшайдиган вилоят ҳисобланади. Янада аниқроқ айтиладиган бўлса, Андижон вилояти республика ҳудудининг 1 фоизини, аҳолиси эса 10 фоизини ташкил этади. Шу боис ҳам, вилоятда ерининг ҳар бир қарчидан майдонидан унумли ва оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев аввалги йилларда Андижон вилоятига ташрифи чоғида ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, қолаверса, экин майдонларини камайтирмаслик мақсадида вилоятнинг адир зоналарида арзон, кўп қаватли уйлар қуриш ва шу орқали тобора ўсиб бораётган аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида қатор вазифалар белгилаб берган эди.

Ана шу вазифалар ҳамда ҳукуматимизнинг тегишли қарорларидан келиб чиқиб 2018-2022 йилларда вилоятдаги 37 та йирик шаҳар, шаҳарча ва аҳоли пунктларининг бош режалар, лойиҳаларини ишлаб чиқиши белгиланган. Бугунги кунга қадар 25 та шаҳар, шаҳарча ва бошқа аҳоли пунктлари бош режалари ишлаб чиқилди. Ана шу режаларга асосан, адир зоналарида, қўлай, замонавий ва барча қўлайликларга эга кўп қаватли уйлар барпо этилмоқда.

Утган йили Хўжаобод тумани Иттифоқ массивидаги адир зонасида асосан 2 ва 3 хонали кўп қаватли, арзон уйлар қурилди. Барпо этилган уйлар, биринчи навбатда, уй-жойга муҳтож аҳоли вакиллари, кам таъминланган оилалар, ногиронларга ажратилди. Умуман, 2021 йил ва жорий йилнинг биринчи чорагида "Янги тартиб" асосида вилоятда жами 5 минг 83 хонадонли 183 та кўп қаватли уй-жойлар барпо этилиб, 15 минг нафардан зиёд аҳоли уй-жой билан таъминланмоқда.

2022 йилда вилоят бўйича жами 5 минг 526 хонадонли 216 та кўп қаватли уй-жой қурилмоқда. Кўп қаватли уйларнинг аксарияти Андижон шаҳрида барпо этилмоқда. Хозирга қадар 13 та уй қуриб битказилди. Жорий йил якунига



қадар барча уйлар фойдаланишга топширилди. Вилоятда жорий йилда уй-жой сотиб олиш ва яқна тартибдаги уй-жой қуриш ва қайта қуриш учун 3 минг 500 нафар фуқарога 982 миллиард сўм кредит ажратилиши режалаштирилган. Бугунги кунда 1 минг 783 нафар фуқарога 350,3 миллиард сўм ипотека кредити ажратилди. Бундан ташқари, ана шу мақсадлар учун Давлат хизматлари агентлиги томонидан 2 минг 412 нафар фуқарога субсидия олиш учун ижобий ҳулоса берилган. Бугунги кунга қадар уларнинг 288 нафарига 9,2 миллиард сўм субсидия ажратилиб, ана шу фуқаролар уй-жой билан таъминланди.

Вилоятда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ўтган йили Андижон тумани адирликларидан 440 минг нафарга яқин аҳоли яшаши мумкин бўлган Янги Андижон шаҳрини барпо этишга киришилди. Умумий майдони 4 минг гектарни ташкил этадиган шаҳарнинг 1 минг 144 гектар майдонидан турар жойлар қад ростлайди. Шунингдек, 215 гектар майдонда савдо, 240 гектарда хизмат кўрсатиш, 76 гектарда саноат, 1 минг 942 гектар майдонда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Бундан ташқари, 364 гектар майдон йўллар ва бошқа инфраструктура объектларидан иборат бўлади.

"Янги Андижон" лойиҳаси бир неча босқичда амалга оширилади. Қурилиш ишлари жадал суръатлар ва илгор технологиялар асосида олиб борилмоқда. Ҳозирда 1 минг 962 хонадонли 74 та кўп қаватли уй-жой, 1 минг 680 ўринли мактаб, 320 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, поликлиника, шунингдек, "Бест-инвест" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2 мингта иш ўрнига эга текстиль фабрикаси қурилмоқда. Айни пайтда шаҳарнинг ирригация тизими, коммуникация тармоқларини

яратиш, ичимлик суви, электр таъминотини, шунингдек, Туркиянинг "АгсСоп" компанияси билан ҳамкорликда Янги Андижон ва Андижон шаҳри ўртасига тезкор автобус қатновини йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Бош режага асосан, Янги Андижон шаҳрида бокс академияси, олий таълим муассасаси қурилиши бўйича ташкилий ишлар олиб борилмоқда. – Халқимиз қалбидаги эзгу мақсадларни амалга ошириш учун меҳнат қилади, фарзандларига тўй, уй-жой қилиш орзуси билан яшайди, бу ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланган ҳақиқат, – деди Андижон вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Уктамон Охунов. – Юртбошимиз ташаббуси билан бугун арзон уй-жойлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, бутун халқимиз, айниқса, андижонликларнинг дилидаги орзулари ижобати, десам асло муболага бўлмайди. Юртдошларимизнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган бу каби хайрли ишлар шубҳасиз, уларнинг Президентимизга, давлатимизга ишончини, эртанги кунга умидини янада мустаҳкамлайди.

АНДИЖОНДА ТУРИЗМ ЯНАДА РИВОЖЛАНДИ

Президентимизнинг жорий йил 30 апрелдаги "Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида вилоятда кенг қўламли ишлар, истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ички туризмни ривожлантириш доирасида "Буюк ипак йўли" бўйлаб вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳларга хизмат

кўрсатувчи 583 та хизмат ва сервис объектлари ишга туширилди. Бундан ташқари, сайёҳларга қўлайлиги яратиш, вилоят бўйлаб қўлай жамоат транспорт инфратузилмасини яхшилаш мақсадида ўтган йили Хитой давлатидан 66 дона замонавий автобус ва 15 дона микроавтобус олиб келиниб, асосан туризмга мос йўналишларга қўйилди. Ўтган йили вилоятда 9 та туризм йўналиши бўлган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 15 тага етди, 5 та этнотуризмга мослашган янги маршрутлар ишлаб чиқилди. Ана шу ишлар самараси ўлароқ, йил бошидан буюн Андижон вилоятига 907 минг 500 нафар сайёҳ ташриф буюрди.

Вилоятга ўтган йили 80 минг нафар хорижий, 300 минг нафар маҳаллий туристлар келган бўлса, жорий йилда хорижий сайёҳлар ташрифини 90 минг нафарга, ички туризм бўйича келувчилар сони 450 минг нафарга етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун ҳозирда 510 ўринли 5 та меҳмонхона, 30 та меҳмон уйи ташкил этилаётди.

– Вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳлар учун туризм инфратузилмасини яхшилаш, туризм объектларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – деди Андижон вилояти ҳокими ўринбосари, туризм бошқармаси бошлиғи Азизбек Максумов. – Бунинг учун бугунги кунда зарур барча ишлар олиб борилмоқда. Кейинги беш йилда вилоятда меҳмонхоналар сони 10 тадан 22 тага, туropolарлар сони 9 тадан 46 тага кўнайди. Шунингдек, вилоятда 69 та меҳмон уйи, 10 та хостел ташкил этилди.

Марҳамат туманида лойиҳа қиймати 52 миллиард сўм бўлган "Буюк маскан" дам олиш комплекси, Хонобод шаҳрида лойиҳа қиймати 32 миллиард сўм бўлган "Афсона-2" дам олиш маскани ҳамда Кўргонтепа туманидаги Жаннатбулоқ маҳалласида сайёҳларга хизмат кўрса-

тадиган йирик дам олиш маскани фойдаланишга топширилди.

– Умумий майдони 8,5 гектар бўлган дам олиш масканимиз ҳар қандай сайёҳга манзур бўлади, – деди Марҳамат туманидаги "Буюк маскан" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Акмалжон Нурматов ўза муҳбири Фахриддин Убайдуллаевга. – Дам олиш масканимиз бир вақтнинг ўзида минг нафардан зиёд кишига хизмат кўрсатади. Бу ерда меҳмонхона, чойхоналар, қорақалпоқ, қирғиз ўтовлари, спорт майдонлари, бар, кафе, шаршара, манзарали йўлақлар барпо этилди, чархпалак, ўндан ортиқ аттракционлар ўрнатилган. Маскан марказида кўл яратилиб, ўртаси оролча қилинган. Оролчада музқаймоқ хиёбони ташкил этилди. Кўлда сайр қилиш учун қайиқ-катамаранлар келтирилди.

Вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони ошириш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш мақсадида Андижон шаҳрида "ҳафтасига 7 кун, 24 соат" режимида ишловчи "Туризм кўчаси" ташкил этилди. Лойиҳага кўра, мазкур кўчада янги туризм объектлари, туризм хизматлари, хунармандчилик савдо нуқталари, пул айирбошлаш шохобчалари, "street art" ва "street music" хизматлари ташкил этилди.

Айниқса, Хонобод шаҳрида туризмни ривожлантириш, Хонободни Фарғона водийсининг туризм марказига айлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Лайф Хонобод" инвестиция ва туристик лойиҳаси доирасида 1-босқичда "Вотер Лайф Минерал" масъулияти чекланган жамияти томонидан қадоқланган минерал сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Айни пайтда Хонобод шаҳридаги "Фозилмон ота" зиёратгоҳида сайёҳ ва зиёратчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Бундан ташқари, Кампирваот маҳалласида бўш турган 66 гектар майдонда умумий қиймати 35 миллион долларга тенг лойиҳа доирасида "Сунъий кўл", дам олиш ва кўнгилочар масканлар, шунингдек, оилавий меҳмон уй, экуотуристик масканлари барпо этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ана шу ишлар амалга оширилиши билан келгусида Хонободда йилига 1,8 миллион нафар сайёҳнинг дам олиши учун имкониятлар яратилади.

Хонободда жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 5 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 10 га яқин дам олиш масканлари фойдаланишга топширилди.

Мухтасар айтганда, жорий йил якунига қадар вилоятда туризм йўналишида умумий қиймати 392 миллиард сўмга тенг 44 та янги лойиҳа ишга туширилди, натижада 1 минг 300 та янги иш ўрни яратилди.

Юртимиз ободлиги, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш борасида олиб борилётган ишлардан андижонликлар беҳад хурсанд. Андижонда қайси бир юртдошимиз билан суҳбатлашмайлик, қалбидан обод юртга бўлган меҳр, унинг юксалиб, янада тараққий этиб бораётганлигини фахр-ифтихор билан туйғуларини жўш ураётганлигини гувоҳи бўлдик. Кундан кунга чирой очиб, юксалаётган Андижон шубҳасиз, юртимизнинг гўзал масканларидан бирига айланади.



ЎЗБЕКISTОН БУНЫОДКОРИ
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир хайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Магмуров,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қўдратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусахҳиҳ **Марҳамат Муслимонқуллова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTОН БУНЫОДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАСКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-843.
1859 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўл ёзма ва тақрир қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – Р. Ҳўжаева.

Ўза якуни – 22.45.
Топширилди – 23.15.

Ижодкорлар уйи таъмирланяпти

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Наманган шаҳрининг Навоий кўчасида жойлашган "Матбуот уйи" 1980 йилда фойдаланишга топширилган. Вилоятдаги қатор газета-журналларнинг тахририятлари шу ерда жойлашган. Мазкур бинода меҳнат қилувчиларни эса "Маънавият ва маърифат тарғиботчилари" деб аташади. Чунки уларнинг қалами орқали эзгуликка йўғрилган материаллар минглаб инсонлар қалбига эзгуликлар олиб киради.

– Кейинги пайтда "Матбуот уйи"нинг ички ва ташқи кўриниши ночор ҳолга келиб қолган эди, – деди "Наманган

ҳақиқати" газетасининг бош муҳаррири Акрамжон Сатторов. – Чунки қурилгандан бери бирон марта таъмирланмаган. Бир гуруҳ ижодкорларнинг вилоят ҳокимига мурожаатидан сўнг бинонинг қиёфасини бутунлай ўзгартиришга қарор қилинди. Кўп ўтмай бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Мазкур бинони мукамал таъмирлаш учун 2,6 миллиард сўм ажратилди. Бунёдкорлар қисқа муддатдаёқ режадаги кўпгина вазифаларни удалашди. Корхона қурувчилари бинонинг ички ва ташқи кўринишларини замонавий ҳолатга келтириш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

– Жамиятимиз ташкил топганга ўн

беш йилдан ошди, – деди корхона иш юритувчиси Улуғбек Нурматов. – Ўтган даврда у сон жиҳатидан ўсиб, моддий-техник негизи мустаҳкамланди. Замонавий қурилиш материалларидан ва илгор технологиялардан кенг фойдаланиб келяпмиз. Нафақат Наманган шаҳрида, балки атрофдаги туманларда ҳам қатор объектларни барпо этдик. "Матбуот уйи"ни ҳам сифатли қилиб таъмирлаб берамиз.

Иш юритувчининг айтишича, мазкур объектда намуна кўрсатиб ишлар қурувчилар кўпчилигини ташкил этади. Дурадгор Нажмидин Тиллаев, буюқчи Муҳиддин Жўраев, пайвандчи Дилшод Ҳамдамов ана шундай бунёдкорлардан. Улар кунлик топшириқларни мунтазам равишда ортиги билан адо этишапти.

ТУГИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Август ойининг шу кунларида
таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хайдовчиси **Урол Мамаситов**,

Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси кадрлар инспектори **Махпўлаҳон Саримсакоева**, Андижон тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектори **Бехзодбек Ашуров**,

Бухоро вилояти, Бухоро тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Азизбек Юлдошев**,

Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси қоровули **Алимбек Абдуллаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси мутахассиси **Азизбек Оралбаев**,

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси кадрлар бўйича бош инспектори **Гулбаҳор Омонова**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали мутахассиси **Мария Сафроноваларни** таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр,
оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилайми!